

Г.Х.Ибрагимова,
иқтисод фанлари доктори, профессор

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЯРАТИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧДИР

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йигирма йиллик зарварақларига назар ташлаб унинг ҳар бир куни янгиликсиз, ривожланишсиз кечмаганлигига гувоҳ бўламиз. Давлатимиз раҳбарининг инсонийлик билан суғорилган илғор қарашлари ва саъй-ҳаракатлари эвазига истиқлол йилларида юртимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида эришилган муваффақиятлар биз учун қувонарлидир. Истиқлолимизнинг қутлуғ 20-йиллик тўйи оstonасида турибмиз.

Тарихан қисқа мазмунан бекиёс ушбу йилларда ҳаётимизда рўй берган оламшумул ўзгаришларни кўз олдимизга келтирганимизда, кўнгил равшан тортади. Президентимизнинг жасорати туфайли қўлга киритилган муваффақиятларни гапирганда қалбинг ғурурга тўлади. Педагог бўлганим учун, биргина таълим соҳасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиб кўрсак.


Босқичма - босқич олиб борилаётган ислохотлар, жаҳон узра ном қозонган, тараққиётнинг **“Ўзбек модели”** дея эътироф этилган ўзимизга хос йўлнинг андозаси самараларига бугун ҳар биримиз гувоҳмиз.

Бугун юксак маънавиятли, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим тизимини инновацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мультимедиа - гуркираб ривожланаётган замонавий ахборотлар технологиясидир. Унинг ажралиб турувчи белгиларига қуйидагилар киради:

- ахборотнинг хилма-хил турлари: анъанавий (матн, жадваллар, безаклар ва бошқалар), оригинал (нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация ва бошқа турларини бир дастурий маҳсулотда интеграциялайди. Бундай интеграция ахборотни рўйхатдан ўтказиш ва акс эттиришнинг турли қурилмалари: микрофон, аудио-тизимлар, оптик компакт-дисклар, телевизор, видеоманитофон, видеокамера, электрон мусиқий асбоблардан фойдаланилган ҳолда компьютер бошқарувида бажарилади;

- муайян вақтдаги иш, ўз табиатига кўра статик бўлган матн ва графикадан фарқли равишда, аудио ва видеосигналлар фақат вақтнинг маълум оралиғида кўриб чиқилади. Видео ва аудио ахборотларни компьютерда қайта ишлаш ва акс эттириш учун марказий процессор тез ҳаракатчанлиги, маълумотларни узатиш шинасининг ўтказиш қобилияти, оператив (тезкор) ва видео-хотира, катта сифимли ташқи хотира (оммавий хотира), ҳажм ва компьютер кириш ва чиқиш каналлари бўйича алмашуви тезлигини тахминан икки баравар оширилиши талаб этилади;



- **“инсон-компьютер”** интерактив мулоқотининг янги даражаси, бунда мулоқот жараёнида фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни оладики, мазкур ҳолат таълим, ишлаш ёки дам олиш шароитларини янгилашга имкон беради.

Мультимедиа воситалари асосида талабаларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб масалалардандир. Мультимедиа тушунчаси 90-йиллар бошида ҳаётимизга кириб келди. Унинг ўзи нима деган савол туғилади? Кўпгина мутахассислар бу атамани турлича таҳлил қилишмоқда. Бизнинг фикримизча, мультимедиа – бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларининг фазодаги ҳаракати) эффектлари асосида ўқув материалларини талабаларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир.

Ривожланган мамлакатларда ўқитишнинг бу усули, ҳозирги кунда таълим соҳаси йўналишлари бўйича татбиқ қилинмоқда. Ҳатто, ҳар бир оила мультимедиа воситаларисиз ҳордиқ чиқармайдиган бўлиб қолди. Мультимедиа воситаларининг 1981 йилдаги ялпи обороти 4 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1994 йили эса 16 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳозирги кунда эса сотилаётган ҳар бир компьютерни мультимедиа воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Компьютер 70-йилларда таълим соҳасида кенг қўллаш йўлида уринишлар зое кетганлиги, авваламбор, улар унумдорлигининг ниҳоятда пастлиги билан боғлиқ эди.

Амалиётлар шуни кўрсатмоқдаки, мультимедиа воситалари асосида талабаларни ўқитиш икки баробар унумли ва вақтдан ютиш мумкин. Мультимедиа воситалари асосида билим олишда 30 %гача вақтни тежаш мумкин бўлиб, олинган билимлар эса хотирада узок муддат давомида сақланиб қолади. Агар талабалар берилаётган материалларни кўриш (видео) асосида қабул қилинса, ахборотни хотирада сақланиб қолиниши 25-30 % ошади. Бунга қўшимча сифатида ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишда мужассамлашган ҳолда берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 75 % ортади. Бунга биз мультимедиа воситалари асосида чет тилларни ўрганиш жараёнида яна бир ишонч ҳосил қилдик.

Мультимедиа воситалари асосида талабаларни ўқитиш қуйидаги афзалликларга эга:

а) берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти бор;

б) таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади;

в) таълим олиш вақтининг қисқариши натижасида, вақтни тежаш имкониятига эга;

г) олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кадрларни қайта тайёрлаш йўлида Жаҳон Валюта Фонди, Умумжаҳон банки, Европа Иттифоқи комиссияси каби нуфузли ташкилотлар катта тажрибага эгалар. Биз бунга ушбу ташкилотлар томонидан ташкил қилинган семинар ва конференцияларнинг иштирокчиси сифатида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Авваламбор, ўқув жараёнида замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш таҳсинга сазовордир.

Ўз ўрнида мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш йўлида айрим объектив муаммолар ҳам мавжуд. Булардан энг асосийси – талабалар учун керак бўлган ўқув материалларини, қонунларни ва бошқа кўрсатмаларни қўлланма қилиб компьютер дастурларини ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқилган компьютер дастурларида мультимедиа элементларини қўллаш эса, компакт дискларни (лазер дисклари) қўллашни талаб қилади.

Бизнинг фикримизча, замонавий компьютер технологияларидан талабаларга таълим бериш ва қайта тайёрлаш жараёнида кенг фойдаланиш, келажакда етук ва юқори малакали мутахассисларни камол топтиради.

Дистант услуги асосида талабаларни ўқитиш ҳозирги куннинг энг ривожланиб бораётган йўналишларидан бўлиб, ўқитувчи билан талабалар маълум бир масофада жойлашган ҳолда таълим бериш тизимидир. Ўқитувчи ва талабанинг маълум бир масофада жойлашганлиги, талабани дарс жараёнида компьютерлар, спутник алоқаси, кабель телевиденияси каби воситалар асосида ўқув ишларини ташкил қилишини талаб қилади. Замонавий компьютер технологияларининг тез ривожланиб бориши таълим-тарбия ҳамда технологик материалларни қўллаш жараёнида психология ҳамда педагогика асосларини, айниқса, этнопсихологик, этнопедагогик билимларга эга бўлиши ва шу сингарилар.

Таъкидлаш жоизки, зикр этилган педагогик-технологик кўникмаларни педагогик маҳорат тизимида шакллантириш педагогларни нафақат фан ўқитувчилари, балки тренерлар сифатида ҳам фаолият юритишига замин тайёрлаш табиий. Фикримизча, тадқиқот натижалари жараёнида олинган маълумот ва талқинларимиз бу соҳада олиб бориладиган ёки мақсад қилиб қўйиладиган илмий ишлари учун туртки бўлиши эътибордан ҳоли эмас.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек; **“Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлоднинг қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига,**

фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамisha ёдда тутишимиз керак”.

Шу сабабли ҳам, биринчи навбатда, таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятини ташкил қилувчи ижодий фаолият тажрибаси, теvarак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун таркибига кўндаланг қилиб қўйилади.

Бу фикрни амалга оширишда, ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентларини руёбга чиқариш мумкин: фаолият турлари (моддий, амалий, ижтимоий, маънавий); ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фаолият, фан ва бошқалар); ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий); моддий ижтимоий табиий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирилган бойликлар).

Таълим мазмуни, унинг компонентлари таркиби, вазифаларини аниқлаганда далиллар билан қонуниятлар, яққоллик билан мавҳумлик, билимлар билан ҳақиқатни мустақил билиш методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатлар кўрсатилиши зарур.

Дарслик ва ўқув қўлланмаларида терминологик катъийлик, бир қийматлиликка эришиш керак. Бунинг сабаби шуки:

биринчидан, дарслик ва ўқув қўлланмаларида фан эришган якуний натижалар яхлит ҳолда акс этади, бу эса бизга унинг амалиётига таъсирининг характерини ташхис қилишимизга имконият беради.

иккинчидан, дарслик ва ўқув қўлланмалари она тили (терминология)нинг юксак даражадаги намунасини кўрсата олиш маҳоратига эга бўлган олимлар томонидан яратилади. Дарслик ва қўлланмалар тили уларни ўқийдиган китобхонлар (талабалардан ташқари талабалар, услубчилар, олимлар, ота-оналар) саводхонлигига бевосита таъсир этади;

учинчидан, дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги терминологик камчиликларни илмий тадқиқот ишларини бошқа тадқиқотчилар тушунишларини қийинлаштириш.

Хулоса шундан иборатки, дарслиklarимиз, содда, ихчам матнлардан ташкил топганида, у фарзандларимизнинг сеvimли китоби бўлади, талаба мустақил ҳолда ўрганиши мумкин бўлган “иккинчи ўқитувчи” вазифасини бажаради, билим манбаига айланади. Агар биз ана шу сеvimли китобда мультимедиа – электрон версиясини қўллаш олесак, нур устига аъло нур бўлади.

Ҳозирги замон таълимида дидактиканинг семантик жиҳатларини аниқлаш – кам ўрганилган соҳага киради. Ҳанузгача тушуниш муаммоси (моҳияти) турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади, дидактлар семантик жиҳатдан мураккаб матн ва ғояларни баён қилиш усуллари устида ўз фикрларини баён қилдилар. Илмий концепциялар мураккаблашиб, чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда семантик муаммолар ўқув материалларини баён қилиш, талабаларни фан ривожини янги даврини ташкил қилувчи назарияга эртароқ олиб кириши, таълимда далиллар билан назариялар муносабатларини ҳал

қилиш мумкин. Бу масала ҳам ўз ечимини топиши лозим бўлган муаммо саналади.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш” миллий дастури асосида таълим тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларни асосий йўналишларини англаб олмақ лозим. Улар қуйидаги йўналишлардир:

- таълим мазмунини ва тизимини ислох қилиш;
- таълим тарбия бошқарувини ислох қилиш;
- таълимнинг бозор иқсодиётига асосланган механизмни яратиш;
- ота-она ўқитувчи-талабанинг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларни шакллантириш;

- бу туб ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи - янги педагогик технологияни амалиётга татбиқ қилишдан иборат.

Умуман олганда янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режаси, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга янгича ёндашиш, ташкил этиш зарурати туғилмоқда. Бунда асосий етакчи шахс педагог ҳисобланади. Агар ўқитувчи тайёр бўлмаса, эски усулдан чиқмай дарс ўтса, бу борада муваффақиятга эришиб бўлмайди. ўқитувчидаги талабаларда ташаббускорлик ва мустақилликни, билимларни пухта ва чуқур ўзлаштиришни, зарур малака ва кўникмаларни, уларда кузатувчанликни, тафаккур ва боғланишли нутқни, хотира ва ижодий тасаввурни тарбиялашда имкон берувчи дидактик принцип – бу таълимдаги фаолликдир. Фаоллик принципи онглилик принципи билан бевосита алоқадор. Чунки фаоллик бор жойда онглилик бор.

Бундай тизимда талаба ва педагог таълим - тарбия жараёнига биргаликда масъулдирлар. Улар биргаликда ҳар бир талаба билан қобилиятини индивидуал эҳтиёжларини аниқлайдилар. Бундай ҳолатда ўқитувчи фақат “баҳолавчи” эмас, балки янги билимлар етказувчи манбага айланади.

Жаҳон педагогикаси сўз бойлиги қаторидан аллақачонлар “инновация” тушунчаси кенг ўрин олган. Бу тушунча “янгилик”, тушунчалари билан ойдинлаштирилади. Кенг маънода қараганда таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгариш бу педагогик инновация ҳисобланади. Дастлаб бу тушунчаларни ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнларга нисбатан қўллашган, сўнгра таълим тизимидаги ҳар қандай янгиликларга нисбатан қўллаб келинмоқда. Педагогик технология деб аталиши боиси ҳам шунда. Ҳозирга келиб “педагогик инноватика” - фани шаклланади. “Педагогик инноватика” педагогик янгиликлари, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа тамонидан ўзлаштириш, ниҳоят, уни амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот сифатида қаралади. Бу таълимот уч йўналишни ўз ичига олади:

биринчидан педагогик неология (юнонча нео-янги ва логос таълим; янгилик ҳақидаги таълимот) дейилиб, унда педагогика соҳасидаги ҳар қандай янгиликлар ўрганилади, умумлаштирилади;

иккинчидан, педагогик аксиология (юнонча аксиома ҳурмат қилмоқ; исботланмайдиган таълимот) дейилиб, бунда педагогик янгиликлар ичида энг самаралилари танлаб олинади;

учинчидан, педагогик праксология (юнонча пракс-ҳаракат ва логос таълим; амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот) дейилиб, бунда танлаб олинган педагогик янгиликлар амалиётда қўлланилади.

Педагогик технология мониторинги (пировард натижаси)

1 босқич	Ўрганиш	Эсда сақлаш
2 босқич	Тушуниб етиш	Ўзлаштирилганини исбот эта билиш
3 босқич	Таҳлил эта билиш	Қиёслаш, хулоса чиқариш, ўзаро боғлаш
4 босқич	Татбиқ эта билиш	Қоида-қонунни англаш ва қўллаш
5 босқич	Синтез	Ахборотни ижобий қайта ишлай олиш
6 босқич	баҳо олиш	Янги билимга ўтиш

Ўқитиш пирамидаси



Педагогик технология қандай қилиб, қандай усуллар билан ўқитилса, натижа яхши, деган саволга жавоб беради. У ўз тизимига эга бўлиб, унда компонентлар кетма - кетлиги, ўзаро боғлиқлиги, бир бутунлиги сақланади. Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташҳис қилиш, натижалаш тузатиш, киритиш

мавжуд. Бунда таълимдан кутилган натижага эришилади, вақти тежаллади, бу эса педагогик технологиянинг самарали эканлиги демакдир. Педагогик технологиянинг тасдиқланувчанлиги – ишланган модел бошқа педагоглар қўллаганда ҳам худди ўшандай самарали натижа бериши кераклигини билдиради. Таълим жараёнига янгича ёндашиб, ижодкорлик, бунёдкорлик тадбиқ этилсагина таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

- талабанинг талаби, мойиллиги, истак-хоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;

- талабанинг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;

- билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;

- у умр бўйича ўз билимини ўзигина бойитишига ишонч пайдо бўлади;

- эркин фикрлаш малакаси шаклланади;

- шахс жамиятда ўз ўрнини тезроқ топиб олишига муҳит яратади;.

Бунинг учун биз талабаларга **“сен буни билишинг керак”** деган мажбурловчи даъватдан **“менга зарур ва мен буни билишга, уни ҳаётда қўллашга қодирман”**, деган ички ишонч ва интилишни уйғотишга ўтишимиз керак.

Шу муносабат билан ҳар бир туман шаҳар метод кабинетлари қошида доимо ҳаракатдаги янги технология бўйича ташаббускор инновацион гуруҳлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Хулоса қилиб айтганда, янги педагогик технология таълим жараёнида ҳукм сураётган инкироздан қутулишнинг ягона бош мезонидир.